



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 233 (16.316)

5 октябрь 1975 йил, якшанба

Баҳоси 2 тийин

КПСС
XXV
СЪЕЗДИ
ШАРАФИГА

ТЕРИМДА ЮКСАК СУРЪАТ БЎЛДИ

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

♦ ТЕРИМДА МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР ДАВОМ ЭТАЯПТИ. БУТУН КУЧ, ТЕХНИКАНИ САФАРАБ ЭТИБ, СУРЪАТГА ҚАНОТ БОҒЛАНГ, КУНИГА ИЙЛИК ПЛАНИНГ 4-5 ПРОЦЕНТИДАН ОШИРИБ ПАХТА ТАЙЕРЛАШГА ЭРИШАВТГАН РАЙОНЛАРИНИНГ МЕХНАТКАШЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

♦ МАШИНАЛАР ИШ УНУМИНИ ОШИРИНГ, БУН-КЕРЛАРДАН 18-20 ТОННА, УНДАН ОШИРИБ «ОҚ ОЛТИН» ТУҚАЕТГАН ИЛГОР МЕХАНИК-ХАЙДОВЧИЛАРДАН УРНАК ОЛИНГ. ШУ КУНЛАРДА ХЕЧ КИМ ПАСТ ЕКИ УРТАЧА КУРСАТКИЧ БИЛАН КИФОЯЛАНМАСЛИГИ,

ФАҚАТ ЮҚОРИ КУРСАТКИЧНИ КУЗЛАБ ИШ УНУМИНИ СОАТ САЙИН КУТАРИШИ КЕРАК. ФУРСАТ ШУНИ ТАҚОЗО ЭТАЯПТИ, АЗИЗ МЕХАНИЗАТОРЛАР!


♦ ТЕРИМЧИЛАР МУСОБАҚАСИНИ КУЧАЙТИРИНГ, КУП, ТОЗА, ЮҚОРИ СОРТ ПАХТА ТЕРИШ, КУНИЛИК ГРАФИКНИ ИККИ-УЧ БАРАВАР ОШИРИБ БАЖАРИШ ҲАР БИР ВА ҲАММА ТЕРИМЧИЛАРИНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИГА АЙЛАНСИН!

♦ ҲАММА 5 МИЛЛИОН 200 МИНГ ТОННАЛИК «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ БУНЁД ЭТИШ УЧУН ТЕРИМГА!

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС XXV съездини муносиб соғалар билан нишонлаш учун социалистлик мусобақаси авж олдириб юборган Жарғурғон райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича белгиланган тўққизинчи беш йиллик халқ хўжалик планини Сурхондарё об-

ластада биринчи бўлиб ошириб бажарди. Шу йил 2 октябрга-ча беш йиллик топириқ бўйича белгиланган 282200 тонна ўрнига 283953 тонна «оқ олтин» давлат омборларига тўқилди. Шу жумладан беш йилликнинг ўтган даврида давлатга тўққизинчи санати учун гоёт зарур бўлган 164 минг 828 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта етказиб берилди.



МАШИНАДА ПАХТА ТЕРДИ?

СУРХОНДАРЕ
Ленин йўли районидаги Охунбобоев номи совхозининг механик-хайдовчиси А. ЕҒУБОВ

267 ТОННА
Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг механик-хайдовчиси Т. НАСРИДДИНОВ

233 ТОННА
Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номи совхозининг механик-хайдовчиси Э. ШОНАЗАРОВ

199 ТОННА
Шеробод районидаги Нуриддин Муродов номи совхозининг механик-хайдовчиси Н. УРОЛОВ

164 ТОННА
Шу совхозининг механик-хайдовчиси С. ҲАКИМОВ

158 ТОННА
ҚАШҚАДАРЕ
Ниспон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг механик-хайдовчиси Ш. НИЕЗОВ

215 ТОННА
Шу районидаги Чўли Бегимкулов номи совхозининг механик-хайдовчиси М. ТОЛИВШОЕВ

190 ТОННА
ФАРҒОНА
Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг механик-хайдовчиси Т. КАРИМОВ

100 ТОННА
Охунбобоев районидаги «Ленин» колхозининг механик-хайдовчиси Х. ХОЛМАТОВ

80 ТОННА

БОБОШЕРЧИЛАР ЗАҒАРИ

ПАХТАЧИ [Телефон орқали].
Машҳур механизатор Бобошер Шоҳиев меҳнат қилаётган ўртоқ Афғонов бошлиқ бригада аъзолари Калинин номи колхозда биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекидилар. 138 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта йиғиб олинди. Эл хирмонига 473 тонна «оқ олтин» тўқилди. Ҳамма ҳосил машиналар билан йиғиб-териб олинди. Бунинг 400 тоннасини Бобошер Шоҳиев ўз агрегати бункеридан тўқди.

Бригада заршунослари мажбурий ҳисобига пахта топириқлашти. Бобошер Шоҳиев ўз сменадан Болта Екубов билан кунига 40-45 тоннадан «оқ олтин» теришга муваффақ бўляпти.

МАШИНАЛАР МАДАДИ

Хўжайли райони кунли пахта тайёрлашда Қорақалпоғистон Автоном Республикасида пешқадамлик қилляпти. Ҳар кун 4-5-5 процентдан «оқ олтин» жузятляпти. Беш йиллик план мўддатидан илгари адо этилди. Машиналар иш унуми кўтарилляпти. Социалистик мусобақа авж олдирилляпти. Район партия комитетининг биринчи секретари П. Холмуродов мухбиримизга кўйндагиларни билдирди.

— Тўққизинчи беш йилликда ишлаб чиқариш плани бўйича 119 минг 500 тонна пахта тайёрлашимиз керак эди, — деди райком секретари, — амалда 124 минг 500 тонна пахта тайёрлашга эришдик. Бу улкан ғалабага Ленин номи колхоз 21 минг 500 тонналик, «Амударё» совхоз салмак 20 минг тонна, «Коммунизм» колхоз эса 14 минг тонна пахтаси билан ҳисса қўлиди. Охунбобоев номи колхоз пахтакорларининг улуши ҳам катта бўлди.

Шу кунларда районимиз пахтакорларида терим кун сайин, соат сайин авж олдирилляпти. Дастлабки кунларда йиллик планининг 2 ярим-уч проценти миқдорда пахта тайёрланган бўлса, ҳозир 4 ярим процентлик маррава эгалладик, кечадан бошлаб 5 процентдан пахта топиришга киришдик. Теримда машина қудратли кучга айланиб, хирмонга кўт-барака киритилляпти.

Социалистик мусобақани бутун қоралар билан кучайтирилляпти.

Хўжайликлараро кўп ва юқори сорт пахта тайёрлаш мусобақаси тобора кенг қанот ёйилляпти. Теримчилар, механик-хайдовчилар ҳам ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилмоқдалар. Пахта теримчилардан ланкаларда қабул қилиб олинляпти, ҳар соатда йил қанча пахта тергани эълон қилиб бориляпти. Механик-хайдовчилар бункерлардаги пахтани тележалларга ағдарляпти. Дала — пункт маршрутида транспорт воситалари узлуksiz қатналяпти. Пахтанин хирмон жойларида чўки қўйилляпти.

Районимиздаги Ленин номи, «Коммунизм», Ҳамза номи, Охунбобоев номи, Энгельс номи, «Ленин байроғи», Карл Маркс номи колхозлар якунловчи йилда гектаридан 35-центнердан 50 центнергача пах-

та ҳосил олишга азму қарор қиллядилар. Мажбуриятини тўла қоплайдиган даражада пахта етиштирилди. Эндиги муҳим вазифа «оқ олтин»ни тез ва тоза териб, юқори сорт билан давлат тайёрлов, ташкилотларига етказиб беришдан иборат. Ҳар чанок пахтада давлат манфаати эди.

Шу кунларда ишта яроқли кишиларнинг ҳаммаси дала ишларига, хусусан теримга сафарбар этилган. Коммунистлар авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Юқорида номи тилга олинган хўжайликларда ҳар кун беш процентдан ортиқ пахта терилиб, пунктларга жўнатилляпти. «Амударё» совхоз механик-хайдовчилари эса кунлик ўсишни 6 ярим процентдан ошириб тоборадилар. Узарикат машина теримдаги иш таъжирбаси ҳаммининг мулқига айлантирилляпти.

Бу йил районимизда пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятини бажарилляпти. Бирорта бригада, колхоз ва совхоз бўлмаслиги учун курашмоқдалар. Шу мақсадда бригадалараро мусобақа юқори логонга кўтарилляпти. Чунки ҳосил, план ва социалистик мажбуриятнинг тақдирини бригадаларда ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам бригада бошлиқлари та меҳнатини илмий асосда ташкил қилишда талабчанликни оширмоқдалар.

Шуниси қувончлики, пахтачилик бригадаларининг ҳаммасида бир кунда икки-уч кунлик график миқдорда «оқ олтин» тайёрлаш одат тусига киритилляпти. 50 центнерчилик даражанин ташаббусчилари Қ. Исмомов, Қ. Мамудов, О. Қобул, С. Дербисалиев, А. Қутлимуродов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қ. Соғиновлар бошчилик қилаётган бригадаларининг пахтакор ва механизаторлари ҳар кунги пунктларга йиллик планининг 9 процентдан 16 процентгача бўлган миқдорда пахта жузятляпти.

Шу кунларда далаарамизда 125 та «зағори кема» узлуksiz ишламоқда. Механизаторларнинг учуви ҳамма шароитин яратиб бердик. Улар мунтазам иссиқ оғдат, чой, мева-чева билан таъминланмоқда. Машиналар икки сменада ишляптилар. Сменадошларнинг дам олиш-

ри учун дала шийонларига кўча қаровлар қўйилган.

Бу йил кўп ва тоза пахта териш мажбуриятини олган механизаторларимиз сафи ўтган йилдагидан анча кўнайди, улар сўзларининг устидан чиқиш учун фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Х. Бекетов, Е. Сафарбоев, С. Соғинов каби дала гвардиячиларимиз ҳар кун бункерлардан 16-28 тонна дурдона тўқмоқдалар. Механизаторларимиз тоғ саҳардан қўш қорайтувча тиним билмай ишлядилар. Илгор механизаторларимизнинг кўпчилиги ҳозирда 130-150 тоннадан пахта тердилар.

Долзарб кунларни бошдан кечирмоқдалар. Санодли кунлардан кейин бир йиллик меҳнатимизга яқин ясаймиз. Шундай бўлса, бутун куч, техника ва ҳаммининг мулқига, суръатини кўтаришга сафарбар элмоғимиз даркор. Амалда шундай қилляпти. Сентябрь ойи давомида далаарамизда 7,500 теричин ишляди. Октябрь ойига ўтиш билан теримчилар сонини яна 4 минг кишига, машиналар сонини эса 55 тата кўнайтирдик, бунда қўсақларнинг очилиши, баргларнинг тўкилишини кўзда тутдик. Эндликда теримчилар ҳам, механик-хайдовчилар, телекчилар, шофёрлар — ҳуллас, терим иши билан банд бўлган кишиларнинг ҳаммаси ўз меҳнатсеварликларини тўла намоийш этадиган фўрсат келди.

Биз халқ меҳнати, техника қудратига таяниб, кунлик ўсишни янада кучайтириш тадбирларини белгилладик. Пахтанин очилишига қараб теримчилар ва механизаторларнинг кунлик иш нормасини анча оширдик, сифатда алоҳида аҳамият берилдик. Ҳар бир хўжайликда ялли пахтанинги намида 95-96 процентиини биринчи сортларга топиришчи бош вазифа қилиб қўйдик.

Хўжайликни миришкор пахтакорлар олдига улкан вазифа қўйилди, улар йиллик пахта тайёрлаш планини узогти билан 10 октябрь кунги байрам, ғалаба рапортига имзо чекидилар. 25 октябрь кунги эса она-Ватанга 40 минг тонна пахта аргумон этиб, социалистик мажбуриятимизини шараф билан адо этамиз.

5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	насыр бошдан	Бир кунда	насыр бошдан
Андижон	2,66	75,45	2,86	45,97
Фарғона	2,07	64,60	2,16	27,00
Қашқадарё	1,92	63,38	1,79	34,95
Сурхондарё	2,79	60,72	3,60	52,48
Қў АССР	3,20	60,20	3,11	38,20
Тошкент	3,93	59,78	4,26	57,75
Хоразм	2,34	56,72	1,76	25,75
Наманган	3,20	56,00	3,67	39,19
Бухоро	1,23	50,45	0,36	8,83
Самарқанд	2,61	47,84	2,12	21,83
Жиззах	3,62	45,01	3,48	45,44
Сирдарё	4,82	38,27	5,55	38,45
Республика бўйича:	2,73	57,83	2,89	36,42
Шу жумладан ингичка толали пахта	4,60	88,88		
Наманган	1,84	61,87		
Сурхондарё	2,43	48,14		
Қашқадарё	1,67	45,82		
Республика бўйича:	2,26	49,50		

УРУҒЛИК ПАХТА

Республикаимизда пахта йиғим-терими оммавий тус олди. Областлараро социалистик мусобақа Андижон қорвонбошлики қилмоқда.

Республикаимизнинг асосий пахта базаси ҳисобланган бу область сара пахта уруғи тайёрлашда ҳам Ўзбекистоннинг, қолверса пахтакор республикаларнинг асосий уруғчилик базасига айланиб қолмоқда. Маълумки, Андижон области пахта репродукцияларини жойлаштиришда давлат стандар-

тининг тавсияларига тўлиқ жавоб берувчи республикаимиздаги ягона областдир.

Бу йил областининг катта майдонларига «Тошкент-1» уруғлик нави экилди. Яхши парвартиш қилинган пахтакорларда мўл ҳосил етиштирилди. Уруғлик пахтани тез ва соз йиғиштириб олишга ушшоқлик билан киришилди. Натикада қисқа вақт ичиде 170 минг тоннадан зиёдор уруғлик пахта давлатга териб топирилди.

ЧОРВАДОРЛАР КЕНГАШИ

ПАНАРИҚ (Самарқанд области). Охунбобоев номи колхозда Самарқанд область чорвадорларининг кенгаши — семинари бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари чорваларни маҳсулотлари сифатини яхшилаш тадбирларини муҳокама қилдилар.

Кенгаш ахл қорвонини сут-товар фермасини кўздан кечирди, сут маҳсулотларини янги ГОСТ бўйича қабул қилиш шартлари билан танишди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлад.

ТЕРРОР ВА ЗУРАВОНЛИК ТЎХТАТИЛСИН!

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзи ижроия комитетининг баёнотида бундай дейилди: Барча совет кишилари Франко режимининг янги жиноятини — испан ватанпарварларидан беш кишининг қатл этилганлигини эшитиб, даргазоб бўлдилар.

Франко маъмурлари инсонпарварлик принципларини поймол этиб, жаҳон жамоатчилиги кўп марта изҳор қилган норозилик билан ҳисоблашмай, отиб ўлдирди ҳақидаги ҳукми ижро этилди, испан ватанпарварларидан шафқатсиз ўч олдилар. Совет Қизил крестининг аъзолари ана шу ваҳишона қўруқдан даргазоб бўлиб Франко маъмурларининг ваҳишона жиноий ҳаракатларига қарши ва уларнинг ҳамма томонидан эътироф этилган инсоний ахлоқ нормаларини бузишларига қарши қатъий норозилик билдирдилар ва бундай қўруқларни қаҳр-ғазаб билан қораладилар.

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзи ижроия комитети ўзининг кўп миллионли аъзолари номидан гапириб, инсонпарварлик ва адолат юзасидан испан ватанпарварларига қарши оммавий репрессиялар, полиция террори ва зуравонлиги дарҳол тўхтатилсин, мамлакатда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинлиги тиклансин, деб талаб қилди.

ДОН—ДАВЛАТГА!

Республикаимиз областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи сўв — областлар:	
ингичка сўв — масвус бошдан	
бўв топирилган дон; учинчи сўв — бир кунда (топириққа нисбатан процент ҳисобида).	
Андижон	103,6
Фарғона	92,9
Самарқанд	87,5
Тошкент	75,3
Сурхондарё	70,6
Қашқадарё	70,8
Наманган	64,7
Сирдарё	59,5
Қў АССР	40,8
Жиззах	36,3
Хоразм	35,1
Бухоро	32,8
Республика бўйича	59,5
	1,2

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАМЛОРИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАМЛОРИ
АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ
Т. А. САРИМСОҚОВНИ
ОКТАБРЕ РЕВОЛЮЦИЯСИ
ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Математика фанларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали педагогик фаолияти учун ва туғилган кунига олтинчи йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фаллар академиясининг академиги Тошмухаммад Алиевни СариМСОҚОВ ОКТАБРЕ РЕВОЛЮЦИЯСИ Ордени билан мукофотлаш.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1975 йил, 3 октябрь.

ПОРТУГАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ГЕНЕРАЛ Ф. КОШТА ГОМЕШНИНГ СССРГА РАСМИЙ ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ — ПОРТУГАЛИЯ АХБОРОТИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг тақлифига биноан Португалия Республикасининг Президенти генерал Франсиску Кошта Гомеш расмий визит билан 1975 йил 1 октябрдан 4 октябргача Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди.

Португалия Республикасининг Президенти Ф. Кошта Гомешни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қабул қилди. Л. И. Брежнев билан Ф. Кошта Гомеш ўртасидаги суҳбат дўстона характерда бўлиб, кенг яқинлик руҳида ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сийбсий бюросининг аъзоси, СССР тақши ишлар министри А. А. Громико иштирок этди.

КПСС Марказий Комитети Сийбсий бюросининг аъзоси, СССР Олий

Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сийбсий бюросининг аъзоси, СССР тақши ишлар министри А. А. Громико билан Португалия Республикасининг Президенти Ф. Кошта Гомеш ўртасида самарали музокара-лар олиб борилди.

Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, тақши савдо министри Н. С. Патолчев, СССРнинг Португалия Республикасидаги элчиси А. И. Калинин, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. В. Кортунов, СССР Олий Совети Президиуми халқаро алоқалар бўлимининг муdiri В. Г. Висотин, СССР тақши ишлар министри коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин иштирок этидилар.

Музокараларда Португалия томонидан Революцион кенгаш аъзоси майор Жоао Мануэл Кошта Невеш, клиган Васку К. Лоренсу, тақши савдо министри Ж. Жоржи Кампиниш, тақши ишлар министрининг бош секретари Томаш Андресеи, Португалия Республикасининг СССРдаги элчиси Мариу Невеш, тақши ишлар министриги иқтисодий масалалар бошқармасининг бош директори Жоао Пекуту, президент кабинетининг бошлиғи майор Вележ Калдеш, тақши ишлар министриги сийбсий масалалар бошқармаси бош директорининг ўринбосари Натанэл Кошта қатнашдилар.

Португалия Республикасининг Президенти Москвадаги Номезьлум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

[Давоми иккинчи бетда].



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб келган Португалия Республикасининг Президенти генерал Франсиску да Кошта Гомешни 3 октябрда қабул қилди. Суратда: учрашу пайти.

В. Музалевский фотоси (ТАСС).

ЕЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА БЕШАРИҚЛИКЛАР

Кўз шомоли дала шийонида чалинган занг овозини олисларга таратди. Кунинг вақтини қизғинлигидан ошгани кўп жаврабган элани-қаран чиқиб оқатиланган термичилар, бугун «заурур гап» борлигидан баъраварига ишни тўхтатишди. Муътабархон ўз бригада аъзоларини шийондаги дастурхон атрофида талқин этаркан, унинг оғиз чекрасида қандайдир ички ҳаёқ ботиб турарди. Бригадир тўпаларни кунни кеча бўлган ишнинг янглик билан кутди. Кирова янглик билан кутди. 12 сентябр кунин пашта тейлашга юзасидан беш йиллик пашта бажарганлар, «Бешариқ» совхозини эса, бу пашта ишга охирига ало этган, шу билан бирга «Бешариқ» республика кўча Қизил байроғи тоқан. Чунки, совхоз сентябрийнинг биринчи ўн кунлигида пашта тершиш ва далада топиришда республика совхозларининг энг олдинга тушган. Кеча совхоз Маданият саройидан тантанаван совхоз директори Нигматил Мелиев байроқни қабул қилиб, шундай дедик: «Совхозимиз термичининг бош палласидек улоқин олган экан, бу бизни янги зафарларга ундайди. Совхозимиз меҳнатқиллари Қизил байроқни қўлдан чиқармаслик учун гайратга гайрат қўлиб ишлайдилар». У, совхоз машалларини фарз билан тилга олган, «бундан кейинги талабларда ҳам шуларга суянаман!» деб ишорат қилди. Тилга олганлар қаторида Муътабархон Ахмедова ҳам бор эди. Юқори ташкилот раҳбарлари иштирокидан бундангиз қатта даражада тилга тушунишнинг узи бўладими, У зиммага янги маъсулнинг юк-лайди.

— Тўғрисики айтсан, шунинг ўйлаб нечаси билан уйқум келмайдик, — деди Муътабархон мундашга кўнчи. — Қани бир фикр-ташб олайлик-чи, кундалик қилаётган ишларимиз шу ишорат, шу талабга жавоб берадими-қўйми?

— Нима учун жавоб бермас экан! Термича барвақт тушган

бўлсак! Нормани ошириб бажараётган бўлсак! — дедик овозлар янгради.

Бригада, совхознинг пешқадамлари қатори ялпи термича ўтти-зичи августдан тушди, ўша кунинг йиллик паштанинг икки процентига етказиб пашта тўқди. Кейинги кунларда эса, уч-уч ярим процентдан топира бори, ярим ойдак довои охири кетди.

— Ўлар бари тўғри. Лекин, бу йил зиммага олган юккимизни ўйлабсанларми?

— Дарҳақиқат, ошанинг бевозалигида жон бор, — дедик хошригина тракторга тириятган принципни пунктга бўшатиб қайтган бригада меҳнатқиллари. Меҳмонли Мавлонов. — Уловинга қараб тушови, ёни, катта кемага катта дарё, дейишди. Ваъдани баланд қилдикми, дедик, кучгайратимиз ҳам шунга яраша бўлсин, демокчилар оламиз. Хавоний жаҳон ахши. Кунинг паштанинг тўрт-беш процентига етказиб пашта териб топирикан, кунимиз етмасмикан?

— Нима учун етмас экан! Астойдил енг ишлариб, қарқон-чаққон ҳаракат қилсан, ҳар биримиз юз-юз эллик килограмдан тара-оламиз, ундан ҳам ошқирами! — дейишди қизлар.

— Хирмоний баландлаб уявериб сизлардан, уни пешма-пеш ташиб улгуриш бундан! — деди Меҳмонли.

— Шунча паштани битта при-ценда ташиб бўлсиз! — деди аёллардан бири.

У ёғдан хотирикам бўлинг, опа-жон! — Меҳмонли чиранди, — принципни иккита, учта қилвораман. Пулат отим ҳар қанча юк бўлса тортиди. Керак бўлса, юк-насиям ташибверамиз ойдинда!

— Янаворе, шоввоқ, қаторда норинг бўлса, кунинг ерда қол-майди! — деди бригада кексалари, хирмон кутарувчи Ортиқ-ота. Даладаги қоний қўрақсилар-нин, чўғи ўтган йиллардагидан хийла мул. Гентар бошига план ўтиз центнер бўлса, мажбурийат қирқ иккимиди, Муътабар қизим?

— Қосилимиз чўғини ҳўб ча-малаб, сизларнинг номингиздан кейинги берган ваъдам қирқ беш бўлди, отахон!

— Чаманг кўғини, Ваъдага етиб, охири ҳам кетди. Қўғининг тўғ қилавер, қизим. Юзининг ер-га қаратмаймиз!

— Раҳмат, мен сизлардан шў-ни кутганим, — деди қўғли кў-ғининг бригада бошлиғи.

Муътабархон бригада аъзола-рига худди ўз ака-укалари, опа-сингилларидай ишоран, суяларди. У катта-кичик учун фақат ишор-ишнингмас, меҳрибон дўст бўлиб қолган эди. Ундаги бу фақилат-лар талабчаник ва қаттиққўллик билан қўшилиб кетганди. Ўн ол-ти йил бригадирлик тажрибасида деҳқончилик иштигаиша қарафат бўлиб қолмай, кишиларнинг феъл-атвори, талаб-хўшайларига қараб муомала қила билгани ҳам ўрган-ди. Шу сабабдан унинг бригадаси ҳаминча совхознинг пешқадам бригадаларидан бўлиб келди.

К. ИЗОЛҚОҚ чоғидан меҳнатга берилган ҳў деҳқон фар-занди, ўрта мактабни битир-ган чолларидек тутаноқлик бил-ан танилган — Ўзани парва-ришладан тортиб, пашта терши-гача, ишак кўрти тутишдан тор-тиб, агитаторлик қилшгача ҳамма шидда тенгқўрларига намуна бўл-ган эди. Кейин бу фаол комсо-мол қизини ишлар бригадасига бошлиқ қилиб кўтаришди. У 28 комсомол йилгиз-қиз билан бир-га олтинчи йил 84 гектар янги ерга пашта экди, ўн тўққиз цент-нердан ҳосил ундирди. Паштачи-лик илмининг ағалашадиган илк қа-дам, Муътабарга янги гайрат ва қанот оли қилди. Энди у қадам-ини далада ташлаб, баландор қир-ғомларини кўзалади. 1963 йили бригадир қизнинг меҳнат ҳаётида катта сиклижи бўлди — гектари-га олтинга ҳосил ўтиз бир цент-нерга етди. Унинг дастлабни му-ваффақияти Меҳнат Қизил Бай-роқ ордени билан тақдирланди. У тиним билмас, хотирикамликка тушмасди. Энди у миришор пах-

та чеварлари сафига кириб, мул ҳосил учун курашининг катта йу-лига чиқиб олди, майман деган зафардаст деҳқонлар билан бема-лал беллаша оладиган бўлди. Ўшандан буюн бир йил йўқди, гектарига-гектар, центнерига-цент-нер қўшилмаган бўлсин. Тўғри-ничи беш йилликнинг учинчи йилига келганда, бригада гектари-дан ўтиз санча центнердан ҳос-ил топириди. Бригададаги ҳос-илнинг Октябрь революцияси ор-динги Оқтобъ революцияси ор-динги беади. Ўтган йили бўлса, 94 гектарга пашта эккан Муъта-бархон, гектарига қирқ икки цент-нердан ҳосил тўқиб, совхоз бри-гадлари мусобақасида толиб чиқди.

Биз Киров район партия комитетининг секретари Донохон Ота-боева билан «Бешариқ» бора-нинимизда, совхоз ўз йиллик пла-нини олтинчи процентга, «Победа» бўлимининг Муътабар Ахмедова бошлиқ иккинчи бригадаси саксон процентга яқинлаштириб қўйган, кенг далада машина терими бошланганди эди. Директор Ме-лиев, иккинчи бригада бу йил ҳос-илда ҳам, теримида ҳам анча ил-гариллаб кетганидан хурсандлиги-ни билдирди. Юзунинг сирин, — деди у, — бригадада ушқоқлик ва интизом ҳар қанчонгидан қучай-гани, айниқса, механизацияни кенг қўлланганида. Биз Муътабар ошанинг ишни ташкил этишдаги яхши тажрибалирини бошқаларга ўрнатиб қилиб кўрсатамиз. У аёл боши билан одамларнинг боши-ни яхши қонитиришди, уларни ишнинг сифати учун жиддий ку-рашга олтантирди. Кам ҳаракат сарфлаб, кўп унум олин — Бри-гадининг ширини айланди. Бри-гадага, коммунист меҳнат зарб-дори деган ном берилгани ҳам бе-жиз эмас.

Муътабархон бригаданинг ютуқларидан сўзлаганда, ўз ро-лининг писанда қилмайдик, бутун ютуқин одамларга бослайди, улардан мамнулигини билдир-ди.

— Бизда ишчиларнинг ака-рияти хотин-қизлар. Табиийки, улар бола-чақа, уй-рўзгор, ситир-бузоқдан холи эмаслар. Аммо, уларда оила борди-келдики деб, дала ишнинг чала қолдириш ода-ти йўқ. Ҳаммасига улгуришди ба-рака топқурлар. Бригаданинг оги-рини енгил қилиб, ҳар қанчагиз топиришнинг беминнат бажариб ўрганишдан дўгонларим. Маъ-лумки, дала ишнинг ташвишлари тез-тез чиқиб туради. Энди чигит экки бўлдим десанг, жала уриб, ерининг қатқалоқ қилади. Урина-урича қулғидан торгандай экин-ни чиқариб қутилганида ё дўла-га тутилсан, ё бурон куттириб ёш-ниҳолларин пайхон қилади. Бу

томонларда «Қўқон шомоли» деҳ-қонларин бот-бот ташиниша солю-туради. Ҳа, табиат қичқилик қил-дилар чинқармасин, биз ҳам бўш-кемайингиз, уни бир ёқадан бош-чиқариб, баҳамхўшхатлик билан бартараф қиладиган бўб қолган-миз.

Муътабархон, бу ёш, айниқса, суз тақислини кўн қийнаганини айтди. Сузин ҳар қатрасигача те-жаб-тергаб сарфлаш, йилнинг ке-жиратмай маромида суюроби ту-риш учун кўп куч керан бўлди. Раббиев, Дустигов, Деҳқондор ка-би тажрибали сувишлар ёнига хотин-қизлардан ҳам унга яқини қўшилиди. Саратоннинг сариқ кў-нида эркак аёл кеча-кундуз гўза тепаесида парвона бўлишди.

Ҳаво оладан ташқари иссиқ-келиши оқибатида гўзаларни ўр-ғимчакана боса бошлади. Аг-ронлар ҳам хаммақторлар бу офатнинг олдин олаш учун янги талдир ўйлаб топилди. Тўғри, машаада ёриб атрофида одамлар навобатилик қилди. Шу йил бил-ла бутун совхозда, бригадада ҳам ҳашарот қириб ташланди.

Б. И. А. шўшларда намуна кўрсатган хотин-қизларнинг номларини сўраганимизда, Муътабархон, қайси бирини айт-лаб ўйланб турди-да. Мухаббат, Сиддиқа, Ҳалима, Салима, Ҳайри, Фариди каби ўндан ортиқ номия ҳўрмат билан санади ва:

— Бригадани хотин-қизлари ичидан бир-биридан қолшнбагани йўқ, — деб, қаттиқлик билан қў-шиб қўйди. — Қўшни бригада-ларимизда ҳам шундай-а, Доно-хон?

— Тўғри, — деди. «Бешариқ» совхозидида ишлар ва одамларни беш бармоғидай билган Отабоева, — Муътабар ошанинг мусобақа-дошлари Эришбой Ҳамдамов, Худойберди Мўминов, Умидой Абдуллаева бригадаларида, бош-қаларда ҳам хотин-қизлар иш-мақтаса аргизулик, «Бешариқ»да-ги ишчи кўчаларнинг яримдан ор-тинги хотин-қизлар. Совхознинг муваффақиятларини буларсиз та-саввур этиб бўлмайди. Вунда хотин-қизларга яхши шарафот я-ратиб берилган. Шу ишда, албатта, депутат ошаримизнинг ҳам хиз-матлари бор.

Отабоева «депутат ошлар» деб республика Олий Совети депутати Санталатой Қомилова, район ва қишлоқ советларининг депутат-Муътабар Ахмедовларини кўзда тутган эди.

Совхознинг ўн тўрт жойида ти-повий асли-боғча қурилиб, минта-акини гўдак жойлаштирилган. Да-ла шийонларида кўча яслилар бор. Бу ерлардаги болалар юзга яқини ўқимизи мураббийлар тар-

биясида. Совхознинг «Маданият саройи, бадий ҳаваскорлари, радио-узелли, киноси доим хизматда. Совхоз маъмурияти, партия таш-килоти ва ишчилар комитети хо-тин-қизлар масаласини диққат марказида тутишди. Шунинг учун ҳам бригадирдан тортиб аг-роном, техник, ўқитувчи, врач, сотувчи, ҳисобчи ва бошқа кадр-лар орасида хотин-қизлар анчага-ча. Айниқса, қизлардан тайёрла-наётган механизатор-шарлар ҳа-қида фахрлилик сўзлашди. Сунг-ги йилларда унинг синфини битир-ган қизлардан ўндан ортиғи «Тў-ғусуноччи бўлмади» деб ҳоҳиш билдирди.

— Қизларимизда янги техника-га ҳавас уйғонаётгани ақойиб во-қеа, бу бизни жуда қўвонтиради, — дейди Нигматил Мелиев. — Бу ҳаракатни ҳар томонлама қувват-лаймиз. Қизларнинг олий маъзу-мотли мутахассислар бўлиб ети-шувларига қўлимиздан келганча тумаклашамиз. Ўтган йили шу қизлардан олтинсиз қишлоқ ҳў-жаллик институтининг сиртиги бў-лимига ўқишга кирди. Териз вақтида бўлса, биз бу қизларнинг чиндан Тўғусунобай чавандоз бў-либ етишувчилари учун, уларни энг моҳир механик-ҳайдовчиларга биритдик.

Хуллас, «Бешариқ» совхозининг фахрланса арзийдиган ишлари, ардоқлишта доийқ одамлари кўп. Ана шулар тўғусуноччи совхоз терим маъракасининг яловбардорлари сафига ўтолди. Совхоз сўратотан-ин илдам йўртдириб, юксак ми-нати сари яқинлашаркан, унинг бо-аловна юришга катта-ю кичик қимирлаган жон бори, ҳисса қў-шиб қолсам, дейди.

Ушбу сатрларини битаттани-мизда, Тошкент радиоси янги хўшхабар эълон қилди. Республи-ка пашта қаровонининг бошида бо-раётган районлардан Киров райо-нидаги «Бешариқ» совхозини, унинг пешқадам бўлим ва брига-далари биринчи маррани ағал-лашди. Совхознинг етмишга «за-ғори кемаси» ялпи ишга туш-ди. Иномжон Нигитов, Ме-лиев Шонқулов, Абдулқарим Каримов, Низомидин Маҳмудов, Мирзабой Ҳамидов ва бошқалар дастлабки кунларда қирмон-ка-беш-ўн тоналлаб пашта тўка бошладилар. Пахтақорларнинг суяган тоғлари бўлган бу чап-таст, валамат суворийлар — «оқ олтин» денгизининг даргалари ўр-тасидида мусобақа кун сайин, со-ат сайин қизиб бораётган.

ҲАКИМ НАЗИР,
АДҲАМ ҲАМДАМ,
ФАРҒОНА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика шаҳарлари ва қишлоқ жойларига уй-жойларни қалаштиришни ривожлантиришда-ги хизматлари учун қўйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсат-ган биноқор» фахрий унвони берди.

Аблямов Талғат Ғаниевич — «Узгипрогаз» Ўзбекистон давлат лойиҳалаш-институтининг бош ин-женери.

Панкраскин Дмитрий Васильевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Со-вети газлаштириш бош бошқарма-сига қарашли «Ремстройгазмонтаж» республика ремонт қурилиш бош-қармасининг газ пайвандовчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика шаҳарлари ва қишлоқ жойларига уй-жойларни қалаштиришни ривожлантиришда-ги хизматлари учун қўйидагиларга «Ўзбекистон ССР газ сановининг хизмат кўрсатган ходими» фахрий унвони берди:

Бакишев Борис Семёнович — «Ташгаз» бошқармаси авария дис-петчерлик хизматининг слесари.

Беднова Мария Михайловна — Бухоро область газ хўжалиги ишлаб-чиқариш бошқармасининг бош ин-женери.

Мирбобоев Аъзам Миржалилович — Оржоникидзе район газ контора-сининг газ-электр пайвандчиси.

Ҳакимов Боборахм — «Маргилан-горгаз» контрол ўлчов приборлари-стәрший мастери.

Халиев Исом — «Сирдарёпроб-газ» бошқармасининг бошлиғи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика шаҳарлари ва қишлоқ жойларига уй-жойларни қалаштиришни ривожлантиришда-ги хизматлари учун қўйидагиларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Пр-зидиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади:

Морозова Лидия Степановна — «Ташобгаз» бошқармаси 2-трестин-инг слесари.

Попова Анна Герасимовна — «Ташгаз» бошқармаси ремонт-меха-ника хизматининг слесари.

Умаров Анавар Акбарович — Бу-лунгур «Райгаз» конторасининг бош-лиғи.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ ЭЛЕКТРОНИКАСИННИНГ УЎҚЛАРИ

СОФИЯ. Ҳозир Болгария элек-троникаси муттақил юксак суъ-ратлар билан ривожланиб бора-моқда. 1974 йилнинг ўзидикина бу тармок махсулотининг ҳажми 18,8 процент кўпайди. Электрон-хисоблаш машиналари, ёлдовчи курилмалар, калкуляторлар, ёл-довчи чикариш жараёнларини ав-томатлаштирувчи приборларни экспорт қилиш 25 процент ортди.

ИНСТИТУТНИНГ ЮБИЛЕИ

БУДАПЕШТ. ВХРдаги физика-ий тадқиқотлар маркази инсти-тутини ўзининг чорак асрлик юби-лейини нишонламоқда. Ҳозир бу ерда ишлаб турган икки мингга яқин олим ва техниклар мурак-каб назарий ва амалий вазифа-ларини ҳал этиб бermoқдалар.

Кўп йиллардан бери венгер физик олимлари Совет Иттифо-қидида ва бошқа социалистик мамлакатлардаги ҳамкасблари билан мустақим алоқа боғлаб келмоқдалар. Масалан, бу ерда СССРнинг ёрдами билан атом реактори қурилади. Институтнинг бир қанча мутахассислари Дубна-даги ядро тадқиқотлари бирлаш-ган институтда меҳнат қилмоқ-да, қардош мамлакатлардаги ҳамкасблари билан бирга ядро физикаси проблемаларини ҳал этмоқдалар.

ЯНГИ ТЕЛЕВИЗОР

ПРАГА. Чехословак конструк-торлари «Зона-2» деган янги те-левизор яратдилар. Яқин кел-гача бу телевизиорлар ишлаб чиқаришга топирилади ҳамда Совет Иттифоқида ва социалистик давлатликдаги бошқа мамлакат-ларга юборилди.

«Тэсла» электрон-телефон, ра-дио ва телевизион апаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган-лиги билан дунда ном чиқарган фирманинг «Фирма ўз махсулотин-нинг яримини чет элларга, би-ринчи нақбда Совет Иттифоқи-га ва бошқа социалистик мамла-катларга экспорт қилади.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОКИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

КАРОЧИ. 3 октябрь. (ТАСС). Бу ерда Карочи ме-таллургия заводининг асосий корпуси пойдеворига гишт қўйишга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Покистон метал-лургия корпорациясининг раис-и А. Р. Фаридий митингга сўзга чиқиб, Совет Иттифоқи-нинг бераётган иқтисодий ва техникани ёрдами, мамлакат-да биринчи металлургия комп-лексини қуришда қатнашганга совет мутахассисларининг фидо-корона меҳнати Покистоннинг оғир сановатини ривожланти-ришда муҳим омили эканлигини таянчлаб ўтди.

Завод қурилишининг бош инжениери Қодир Малик ўз ич-тида қўйидагиларни таянч-лади: Карочи металлургия комплекси қурилишига Совет Иттифоқи бераётган мадад По-кистоннинг иқтисодий муста-қиллигини мустаҳкамлаш, ки-шиларни иш билан банд қи-лишни кўпайтириш ва миллий мутахассис кадрларни тарбия-лаб етиштиришга кўл янхат-дан қўмаклашди. 1978 йилда ўзининг биринчи махсулотини ишлаб чиқарадиган шу заводда 18 мингдан кўп ишчи, инженер ва техник ишлайди. Ҳозирги вақтда ҳар йили 1-мигита яқин малакали мутахассислар тайёрлайдиган ўқув маркази қурилиши тамомланмоқда. По-кистон мутахассисларининг бир неча гуруҳлари шу кўнар-да СССРда таълим олмоқда.

КАХР-ГА ЗАБ

Испанияда террорчилик ва зу-равонлик аям олганлиги, Франце-режимини беш ишан антифашист-ини отиб ўлдирганлиги бутун дун-да прогрессив жамоатчилик норо-зинликларини ҳамон тўғатиб ту-рибди.

ВАРШАВА. Умумиёшша ти-нчлик жамиятининг баёнтисида испан атаканларларига чи-қарилган улам ҳўнларининг икки-отилишши «генерал Франко фашист режимини шармандан-шаримор-қилди» дейилди.

ПРАГА. Бутун прогрессив инсоният фашизм устидан гала-банинг 30 йиллигини нишонлаётган шу кунларда, дейилди халқаро студентлар союзининг баёнтиси-да, Франко режимининг мажмуулиги ҳеч мурося қилиб бўлмайдиган анокронизм ҳисобланади.

БЕЛГРАД. ЮСФ скупшчи-наси ўз мажлисида халқаро жа-моатчиликка муножаатнома қабул қилди. Унда Испанияда инсон ҳў-қуқларига ҳўрматсизлик бутун дунда демократик тартиқдага ҳавф-хатар солади, деб таъкид-ланади. Загреб шаҳрининг мин-лаб аҳолиси Франко террорига қарши норозилик митингига қат-нашди. Хорватия пойтахтининг қарийб ҳамма катта-катта нор-хозларига шундай митинглар бў-либ ўтди.

ПАРИЖ. Европа меҳнатқаш-лари Испания халқига ердан қў-лини қўзғатилар деб «Эманте» «Юманите» газетаси. Улар испан халқи фашизмдан ҳалос бўлиши-га ердан беришга тайёр эканли-кларини исбот қилмоқдалар.

ХЕЛСИНКИ. Финляндия

ПОКИСТОНДА ЗИЛЗИЛА

ИСЛОМОБОД. (ТАСС) По-кистоннинг шимоли — ғарбида Афғонистон чегараси яқинида қаттиқ зилзила бўлди. Қетта-да-даги геофизика институти хо-димилярининг хабар беришича, приборлар рикхтер шкаласи бў-йича 6,5 балл куч билан ер қў-мирлаганилини рўйхатга олди. Ер қимирлаш маркази Покис-тоннинг Қетта шаҳридан 300 километр нарида Афғонистон-территориясидадир.

Ўтган йил декабр ойида маж-лакат шимлоқдаги Қоракўм тоғларида 5,8 балл куч билан бўлиб ўтган зилзила 5.000 по-кистонликнинг ёстиғини қурит-ган эди.

Компартияси Марказий Комитети-нинг сиёсий бюроси испан халқи билан бирдмалик ҳаракатини му-стаҳкамлашга даъват қилди. Ма-млакатнинг транспорт ишчилари насаса союзи билан транспорт хизматчилари насаса союзи ис-пан кемалари ва самолётларини бойкот қилганини билдирди.

БРИССЕЛЬ. Бу ерда асосий сиёсий партиялар ва насаса со-юз ташкилотларининг қачирингга биноан Испанияда франкизмга қарши озодлик ва демократия учун ҳаракат кунин ўтказилди. Белгияда қоқ тушда ҳамма нор-хозлар ва муассасаларда иш тўхтатилди. Белгия меҳнатқаш-лари Испанияда демократлар таъ-қиб этилишига қарши газабли норозиликларини шу тахтида из-ҳор қилдилар.


(ТАСС).

ролина шитатида ана шундай ўғирларнинг катта бир тўдаси қўлга олинган. Бу тўда жуда қисқа бир муддат ичида заҳар-ли моддаларни ўғирлаб сотиш-дан 500 минг доллар «фойда» қилган экан.

Ўғирланган молларни қим-лар сотиб олади? Албатта бу-ларнинг харидорлари фермер-ларнинг ўғирлариди. Чунки, ма-газинларда бундай моллар ке-йинги пайтларда жуда қиммат-лашиб кетган. Магазин нархи-дан бир неча баравар кам ба-лода бўлган товарларни сотиб олиш фермалар учун маъқул эмасми? Ҳатто иш шунгача бо-либ етдики, фермерлар қўғинча ана шундай ўғирлик молларни сотиб олишга қизиқиб қолди-лар.

Янги қўринишдаги ўғирлар-ни ушлаган ва шу билан бир қаторда ўғирланган молларни сотиб олган ишчиларни қўлга олган полиция жиноятчили-гининг бу хилдаги шаклини яқин орада тутатишга кўз етмасли-гини эътироф этмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетасининг таъ-кидлашича, бу хилдаги жиноят-чилик фақат заҳарли дорилар-га қўйилган нархлар камайти-рилган бир тақдирда ва бу то-варларни ўғирлаб сотиш ўзини оқламай қолган бир пайтда ту-ганиш мумкин. Мамлакатда тар-тиб ўрнатишга даъват этилган органлар ҳам худди ана шу-дай фикрни тасдиқламоқда.

Т. ЯКОВЛЕВ.



Болгария Халқ Республикаси ҳаётида меҳнатқаш хотин-қизлар катта роль ўйнамоқдалар. Улар халқ ҳўжалигида банд бўлган аҳолининг 47 процентини ташкил қилади. Бу ерда врач ва ўқи-тувчи, инженер ва илмий ходим, музикачи ва агроном аёллари кўп-лаб унатиш мумкин. Эриканча ҳос бўлган ешларини ҳам болгар аёллари моҳирлик билан урдаламоқдалар. Суратда: София-даги «9 сентябрь» пойфалқ фабрикасининг инженер-технолог-и Милка Недялкова.

БТА—ТАСС фотоси.

Газетхонлар илтимосига кўра АГРЕССОРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЭМАСМИ!

Миср билан Исроил ўртасида қўшинларни бир-бирдан йироқ-лаштириш тўғрисида битим имзо-ланганига ҳа ҳамай ўн тўла-ми. Шунга қарамай, мазкур би-тим ҳусусидаги бир-бирига эид бўлган фикрлар ҳамон жаҳон иш-моатчилигининг эътиборини тор-тмоқда.

Маълумки, бу битим АҚШ ди-пломатияси асосатчилигида 4 сен-тябр кунин Женевада Миср Араб Республикаси ва Исроил делега-циялари томонидан имзоланган эди. Миср қўшинлари Синай ярим оролида бир-бирлардан йироқ-лаштиришнинг иккинчи босқичи тўғрисидаги мазкур битим анча мамлакатларда ҳам, Ғарбда ҳам Миср—Исроил битимининг шу тарихи имзоланиши жиддий но-розиликлар тўғрисида.

Ҳўш, бунинг боиси нимада? Гап шундаки, битимни имзолаш тў-ғрисидаги музокаралар бир томон-лама олиб борилади. Музокара-ларда Бирлашган Миллатлар Таш-килоти вакиллари ҳам, ҳатто Ис-роил агрессиясига дучор бўлган араб давлатлари вакиллари ҳам қатнашмади. Унда Миср билан Исроил вакиллари қатнашди, хо-лос. АҚШ эса ўртада воситачи-ролин бажарди.

Ғарбдаги айрим матбуот орган-лари ва сиёсий пропагандист-мазкур битимни Яқин Шарқдаги кескинликини тиш бартараф эти-шда муҳим «бурлиш нуктаси» деб-жар солди. Бирок битимнинг ўр-нун-қондалари диққат билан ў-ғинашсин, унинг нақадар шоша-мошарлик билан тузилгани ва қандай оқибатларга олиб келиши муаммиларга яқоқ кўзга ташла-нади. Битимга мусовиди, Исроил ҳўкумати Синайдаги ўз қўшинла-рини шарққа қараб яна 13-15 ки-лометр суршишга рози бўлди. У ҳарбий жигдала муҳим бўлган Гидди ва Митла тоғ йўллариин Мисрга қолдиришга ва Абу—Руд-дас нефть қонлирини қайтариб беришга ҳам рози. Бу ерлар 1967 йили июнида босиб олинган эди. Исроил ўз қўшинларини бу ер-лардан қўчириш билан Яқин Шарқ проблемаси ҳал бўлмайди, айна пайтда Тель-Авив босиб ол-ган ерларнинг тўла озод қилини-ганини ҳам билдирмади. Чунки Синай ярим ороли территориясининг 87 процентдан кўпроғи Ис-роил қуроли кучлари ихтиёрида қолаётган. Миср билан Исроил ўртасидаги сепарат битим Тель-Авив босиб олган Ҳулан теле-виклари Сурияга, Иордан дарёси-нинг ғарбий соҳили эса Иордан-ияга қайтариб бериш вазифаси-ни енгиллаштирди эмас, балки бу вазифани баттар мушкуллаш-тириб юборди. «Битим», дейла-ди Сурия араб социалистик Уй-ғонш партиясининг шу муноса-бат билан эълон қилинган баё-нотида, — Синай ярми оролининг

катта қисми ва бошқа араб ер-лари оккупациясига барҳам бер-майдик ва Фалестин араб халқи-нинг миллий ҳўқуқларини тамо-мила назор писанд қилмайдик. Шундай экан, унинг Яқин Шарқ-можаросини бартараф этишда «бурлиш нуктаси» эканлиги тў-ғрисида қандай гап бўлиши мум-кин?

Битимда таъкидланганича, то-монлар бир-бирига нисбатан кўч қўлмаслик ва ҳарбий қамал қил-маслик мажбурийатини олишган. Сувайш канали орқали Исроил учун юклар ташилишга ижозат берилган. Яна шуни ҳам таъкид-лаш керакки, Исроил салгина бул-сада энг босани учун Америка-нинг 2,5-3 миллиард доллар миқ-дорда ёрдам бериш тўғрисидаги ваъдасини олган. Ахир бу Ис-роилнинг ҳарбий қудратини му-стаҳкамлаш, Яқин Шарқдаги ҳавф-ли уруш ўсқонини кучайтириш, аг-грессорни рағбатлантириш эмас-ми?

Қўғинча кузатувчиларнинг фик-ринча, Яқин Шарқдаги вазиятни кескинлаштирувчи ани бир нарс-а битимда ўз ифодасини толган. Бу қўшинларни йироқлаштириш-майдонига 200 та америка назо-ратчиларини киритиш ҳақидаги шартномасидир. Бу нарсаси қўғинча мамлакатлар, шу жумладан АҚШ жамоатчилигида ҳам жиддий таш-виш тудирмоқда. «АҚШ одамла-рининг Синайда бўлиши», — деб ёздаи Американинг «Нью-Йорк таймс» газетаси, — Американинг Вьетнамдаги иштироки тарихин

